

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР БАДИЙ
ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

**“ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ” ТЎГАРАГИ
ДАСТУРИ**

ТОШКЕНТ-2015

Муаллифлар:

Р.Бобоқулов – “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт маркази Ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи раҳбари

С.Хўжаев - “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт маркази “Дурадгорлик” тўғарак раҳбари

Такризчилар:

Н.Шомансурова - “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт маркази директорнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

М.Ботиров - “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт маркази “Дурадгорлик” тўғарак раҳбари

Ушбу ўқув дастур “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази Услубий кенгашининг 2015 йил 28 августдаги 3-сонли Услубий кенгаш йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

Кириш

Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган. Бунда бирор нақш ёки тасвир тахта, ёғоч буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. Ўрта Осиёда ҳам ўғоч ўймакорлиги қадимдан ривожланиб, кишиларнинг уй рўзгор буюмларида ва архитектурасида жуда кенг қўлланилган. Бу ўймакорлик қадимий архитектуранинг, эшик, дарвоза, устунлар, ҳар хил тўсин, стол, хонтахта, қутича, рамка, қаламдон ва бошқа буюмларни безашда ишлатилиб келинган.

Ўрта Осиёда горельефли, яъни жуда бўртиқ (1 мм дан 20 мм гача) рельефлар билан ҳар хил нарсаларни ёғочдан ўйиб ишланганлиги маълум. Халқ яратган асарлар ўзининг нафосати, мураккаблиги, табиийлиги билан киши ақлини лол қолдиради. Афсуски ёғочдан ишланган ажойиб ёғоч ўймакорлигига ҳар қанча сифатли ишлов берилишига қарамай, асрлар ўтиши билан улар намга дош беролмай деярли кўпчилиги чириб, йўқ бўлиб кетган. Буларни археологик қазилмаларда топилган ва топилаётган намуналар исботлаб бермоқда.

V-VI асрларда ёғоч ўймакорлиги намуналари Сурхондарё воҳасидаги Юмалоқ тепа тубидан топилган. Олимларимизнинг аниқлашича бу 1-1,5 минг йил муқаддам мазкур жойда пайдо бўлган нақш ўймакорлиги санъати бўлиб, у жуда яхши ривожланганлиги исботланган. Бундай ноёб топилмалар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги археологик қазилмалардан топилмоқда.

IX-X асрларда Ўрта Осиёда, шунингдек жумҳуриятимиз территориясида маданият ўса бошлайди. IX асрда Самарқанд мустақил давлат бўлди. Халқ маданиятида янги бурилиш пайдо бўлади. Ўймакор усталар ўзи яратган санъат асарларида тимсол ва дуо афсунлар, тасбиҳ ва таносибларнинг нақадар кўплигини кўриш мумкин. Ҳар бир ўйма нақш замирида қандайдир рамзий маъно яширинганлигининг кўришимиз мумкин.

Улар бу мураккаб нақшлар орқали воқеъликдаги энг гўзал тилакларни акс эттириб келганлар. Асрга оид ёғоч ўймакорлиги намунаси Самарқанддаги Шоҳи-Зинда деворининг орасидан топилган бўлиб, у ўзининг бадиий нафис ва табиий ишланганлиги билан кишини лол қолдиради.

“Ёғоч ўймакорлиги” тўғрагининг ўқув режаси

№	Машғулотлар мавзулари	Назарий соат	Амалий соат	Жами соат
1.	Ёғоч ўймакорлиги ва унинг аҳамияти, ҳаётдаги ўрни.	3		3
2.	Техника хавфсизлиги ҳақида тушунча.	3		3
3.	Нақш ва унинг турлари. Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган нақш элементлари	1	11	12
а).	<i>ислими ва гирих нақш турлари билан таништириш.</i>	1	2	3
б).	<i>шоҳ барглари чизиш.</i>		3	3

в).	маргулани чизиш.		3	3
г).	бандларни чизиш.		3	3
4.	Энг оддий хошиябоп нақш намуналарини тартиб рақами бўйича чизиш	11	19	30
а).	ислими (ўсимликсимон) нақш элементларини қозғозга чизиш.	1	1	2
б).	оддий нақш элементларидан 1-гул бодом гулини чизиш.	1	1	2
в).	оддий нақш элементларидан 2-гул занжира гулини чизиш.	1	1	2
г).	оддий нақш элементларидан 3-гул қўш шахборгли гулини чизиш.	1	1	2
д).	оддий нақш элементларидан 4- гул шахборгли гулини чизиш.	1	1	2
е).	нақш элементларидан 5-гул бофта маргулони гулини чизиш.	1	2	3
ё).	нақш элементлари 6-гул ўсимликсимон гулини чизиш.	1	2	3
ж).	нақш элементларидан 7-гул қалампир гулини чизиш.	1	2	3
з).	нақш элементларидан 8-гул қаторига ўсимликсимон маргуло гулини чизиш.	1	2	3
и).	нақш элементларидан 9-гул чор парчори гулини чизиш	1	3	4
й).	нақш элементларидан 10-гул юуракчали (хандаси) гулини чизиш.	1	3	4
5.	Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган материаллар ва уларнинг турлари:	3	3	6
6.	Ўймакорлик ишлари ҳақида умумий тушунча:	4	8	12
а).	устахонани жиҳозлаш;	1	2	3
б).	ёғоч ўймакорлик асбоб ускуналари ҳақида тушунча;	1	2	3
в).	асбобларни чархлаш ва ўтмаслашишдан сақлаш;	1	2	3
г).	иш дастгоҳлари ва улардан тўғри фойдаланиш	1	2	3
7.	Ёғоч ўймакорлиги буюмлари учун мос материаллар танлаш.		3	3
8	Ёғоч ўймакорлик бирикмалари ҳақида тушунча ва кўрсатиш.	1	2	3
9	Ёғочлар устида ишлаш.	3	9	12
а).	ёғочларни арралаш.	1	2	3
б).	ёғочларни рандалаш.	1	2	3
в).	ёғочларни керакли ўлчовга келтириш	1	5	6

10.	Оддий ҳошиябоп нақш намуналарини босқичлари бўйича чизишни ва ўйиш, лаклаш ва пардозлашларни тушунтириш.	3	12	15
а).	оддий нақшлардан аксланган холда 1-Бодомгулни чизиш ва ўйиш.	1	4	5
б).	оддий нақш 2-занжира гулини чизиш ва ўйиш.	1	4	5
в).	оддий нақш 3-гулини қўш шахборгли чизиш ва ўйиш.	1	4	5
11.	Оралик назорат иши		3	3
12.	Оддий ҳошиябоп нақш намуналарини босқичлари бўйича чизишни ва ўйиш, лаклаш ва пардозлашларни тушунтириш.	7	38	45
г).	оддий нақш 4-шахборгли гулини чизиш ва ўйиш.	1	6	7
д).	нақш 5-гул қўшма бофта маргулони нақшларни чизиш ва ўйиш.	1	6	7
е).	нақш 6-гул ўсимликсимон курте гулини чизиш ва ўйиш.	1	6	7
ё).	нақш 7-гул қалампир гулини чизиш ва ўйиш.	1	5	6
ж).	нақш 8-гул ўсимликсимон маргуло гулини чизиш ва ўйиш.	1	5	6
з).	нақш 9-гул чор парчори қаторига 8 қатор чизиш ва ўйиш.	1	5	6
и).	нақш 10-гул юракчали хандаси гулини чизиш ва ўйиш.	1	5	6
13.	Ёғоч ўймакорлик мактаблари ҳақида тушунча	4		4
а).	Хива мактаби асосчилари ва ижодлари	1		1
б).	Бухоро мактаби асосчилари ва ижодлари	1		1
в).	Қўқон мактаби асосчилари ва ижодлари	1		1
г).	Тошкент мактаби асосчилари ва ижодлари	1		1
14.	Ёғоч ўймакорликни оддий нақшлардан фодаланган холда муракаб нақш намуналарни тузиш.	10	52	62
а).	оддий нақш элементларидан 1-гул бодом гулини чизиш.	1	6	7
б).	оддий нақш элементларида 2-гул занжира гулини чизиш.	1	6	7
в).	оддий нақш элементларидан 3-гул қўш	1	5	6

	<i>шахборгли гулини чизиш.</i>			
г).	<i>оддий нақш элементларидан 4- гул шахборгли гулини чизиш.</i>	1	5	6
д).	<i>нақш элементларидан 5-гул бофта маргулони гулини чизиш.</i>	1	5	6
е).	<i>нақш элементлари 6-гул ўсимликсимон гулини чизиш.</i>	1	5	6
ё).	<i>нақш элементларидан 7-гул қалампир гулини чизиш.</i>	1	5	6
ж).	<i>нақш элементларидан 8-гул қаторига ўсимликсимон марғуло гулини чизиш.</i>	1	5	6
з).	<i>нақш элементларидан 9-гул чор парчори гулини чизиш</i>	1	5	6
и).	<i>нақш элементларидан 10-гул юракчали хандаси гулини чизиш.</i>	1	5	6
15.	Якуний назорат иши		3	3
ЖАМИ:		53	163	216

1. Ёғоч ўймакорлиги ва унинг аҳамияти, ҳаётдаги ўрни.

Ёғоч ўймакорлик санъати 9-10 асрларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлиб, ўша пайтларда ёғочдан ишланган буюмлар эшик тепаларида ҳар хил кўринишда акс эта бошлаган (масалан, понно, ҳайкал буддалар). Ҳозирги кунда бу санъат тури ҳар хил биноларни безатиш учун ва уй рўзғор буюмларини безатишда кўришимиз мумкин.

2. Техника хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳар хил асбоб ускуналарни ўз жойида ишлатиш ва ўқитувчини рухсатсиз тегмаслик керак.

3. Нақш ва унинг турлари. Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган **нақш элементлари** Нақш турлари жуда кўп бўлиб, масалан: Ислимий (ўсимликсимон нақшлар), паргори (серкўл ва тўғри чизик ёрдамидаги нақшлар) Нақш элементлари: шобарг, курте, марғула, новда ва ҳ.к.

4. Энг оддий ҳошиябоп нақш намуналарини тартиб рақами бўйича чизиш Биринчи гулдан ўнинчи гулгача чизиш ва уларни қаторига қатор чизиш.

5. Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган материаллар ва уларнинг турлари:

Ёғоч ўймакорлигида асосан ёнғоқ дарахтидан фойдаланилади. Ёнғоқ дарахти зичлиги яхши бўлиб, ўйилиши осон. Қизил ёғочлар туридан бук дарахти ҳам майда ўймаларни ўзига яхши қабул қила олади. Чинор ҳам шулар жумласидандир.

6. Ўймакорлик ишлари ҳақида умумий тушунча:

Ўқувчиларга ёғочлардан тўғри фойдаланиш, арралаш, рандалаш, елимлаш ва жипслаш, михлардан тўғри фойдаланиш иш давомида олинган фото нусхаларни деворларга босқичма-босқич жойлаштириш. Шунинг бир қатор ёғоч ўймакорлик асбобларидан фойдаланилади.

7. Ёғоч ўймакорлиги буюмлари учун мос материаллар танлаш.

Майда нақшли қутичага бук ёғочи, курсичаларга ёнғоқ ва чинор дарахтларидан фойдаланилади. Деворий буюмларга барча турдаги ёғочлардан фойдаланса бўлади.

8. Ёғоч ўймакорлик бирикмалари ҳақида тушунча ва кўрсатиш.

Ҳар хил рўзғор буюмлар сабзи тахта, қутича, туздон билан эшик, ром, пол ва устунлар ва уларни ўрнатиш.

9. Ёғочлар устида ишлаш.

Арраларни ёғочга тўғри қўйиб кесиш ва рандани тўғри қирра бурчак қилиб рандалаш жилвирлашда тўғри жилвирлаш ёғочни елимга қараб ишлов бериш.

10. Оддий хошиябоп нақш намуналарини босқичлари бўйича чизишни ва ўйиш, лаклаш ва пардозлашларни тушнтриш.

Нақшларни босқичлар бўйича ўяётганда асбобларни тўғри ушлаб уриш, чакичлаётганда ёғочни йўлига қарама-қарши чакичлаш. Тайёр буюмларни жилвирлаш, лаклаш ва пардозлаш.

11. Оралиқ назорат иши.

13. Ёғоч ўймакорлик мактаблари ҳақида тушунча. Хива, Бухоро, Қўқон, Тошкент мактаби асосчилари ва уларнинг ижодлари ҳақида тушунча ва малумот бериб ўтилади.

14. Ёғоч ўймакорликнинг оддий нақшлардан фойдаланган холда мураккаб нақш намуналарни тузиш.

Ёғоч ўймакорликнинг 10 та нақш гулларида фойдаланган холда ўқувчиларга мустақил равишда мураккаб гуллар чизиш йўллари тушунтирилади ва ўргатилади.

15. Яқунӣ назорат иши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тўғрисида”ги Қонунлари // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ матбаа - нашриёти, 1997.

2. Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 31 март “Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 7-мҳ-сонли буйруғи.

3. С.Булатов “Ўзбек халқ амалий беъзаги санъати” 334-341 бетлар Тошкент “Меҳнат” нашриёти 1991.

4. Меҳнат таълими бўйича ишлов дастури. К.Давлатов. С.Усмонов. Тошкент 1998.

5. Уй- рўзғор буюмларини яшаш ва таъмирлаш. Тошкент 2000.

6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1-2 жилдлар. Тошкент. 2000 .

7. С.Булатов Ўзбек халқ амалий санъат беъзаги. Тошкент 1991

Электрон манба:

1. “Ziynet”.uz.

2. Barkamol.uz.